

Фаррух УСМОНОВ

Ташкент давлат иқтисодиёт университети

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Илмий мақола мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тижорат банкларида факторинг операциялари тенденциялари таҳлил қилинган. Таҳлилда АТБ Туронбанк статистик маълумотларидан фойдаланилган. Таҳлил натижаларига кўра, охириги йилларда факторинг операциялари ҳажмининг пасайиши ва бунга асосан факторинг операциялари фоизининг ошиши сабаб бўлмоқда. Шунингдек, охириги йилларда халқаро иқтисодиётда турли зиддиятлар натижасида тижорат банкларимиз томонидан корхоналарнинг дебиторлик қарзларини сотиб олиниши ва бунинг оқибатида кўрилатган рискларнинг ошиб кетиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Калит сўзлар: факторинг, регресс ҳуқуқ, Туронбанк, кредит.

ANALYSIS OF FACTORING PRACTICE IN COMMERCIAL BANKS

Abstract: The scientific article analyzes the trends of factoring operations in commercial banks operating in our country. Statistical data of ATB Turonbank were used in the analysis. According to the results of the analysis, the decrease in the volume of factoring operations in recent years is mainly due to the increase of the factor operation rates. Also, in recent years, as a result of various conflicts in the international economy, the purchase of receivables of enterprises by our commercial banks and the increase in the risks seen as a result are also the reason.

Keywords: factoring, right of recourse, Turonbank, credit.

КИРИШ

Факторинг операциялари — бу молиявий хизмат тури бўлиб, унда бир компания (одатда кичик ёки ўрта бизнес) ўз ҳисоб-фактураларини пулга айлантириш мақсадида бошқа молиявий ташкилотга (факторга) сотади. Бу хизмат кўрсатувчи ташкилот, яъни фактор, мижознинг дебитор қарзини сотиб олиб, ушбу қарзга нисбатан маълум комиссияни ёки фоизни ечиб қолади ва қолган суммани мижозга тўлаб беради.

Факторингнинг асосий афзалликлари қуйидагилар:

1. Қарзларни тезроқ пулга айлантириш: Мижозлар ўзларининг дебитор қарзларини узоқ кутмасдан олдиндан пул олганлари учун, ўз айланма маблағларини тезроқ ишлатиш имконига эга бўладилар.

2. Қарз олишнинг алтернатива усули: Факторинг банк кредитларидан фарқли ўлароқ, дебитор қарзларини пулга айлантиришнинг усули бўлиб, бу молиявий ҳолатига қараб ҳар қандай компаниялар учун осон ва тезкордир.

3. Қарз топиш таваккаллигини камайтириш: Факторлар, одатда, қарздорлар тўлов қобилиятини таҳлил қиладилар ва агар қарздор тўламаса, факторинг компанияси билан боғлиқ таваккалликни камайтиради.

Факторинг операциялари турли мамлакатларда ва бозорларда турли қоидалар ва тартиблар асосида амалга оширилади, аммо уларнинг умумий мақсади — компанияларнинг пул оқимини яхшилашдир.

Факторинг ҳажмидан катъий назар, барча бизнес гуруҳлари учун жозибador воситадир. Кичик корхоналар учун, чунки бу уларга гаровсиз молиялаштириш имконини беради. Ўрта компаниялар учун факторингда рискларни суғурталаш ва дебиторлик қарзларини бошқариш муҳимроқдир. Йирик корхоналар учун факторинг балансни "тозалаш" имконини беради - кредиторлик қарзларини кўпайтирмасдан, дебиторлик қарзларини қисқартириш, айниқса, агар корхона янги инвесторларни жалб қилмоқчи бўлса, муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, йирик корхоналар учун дебиторлик қарзлари айланмасини тезлаштириш масаласи доимо долзарбдир.

Банк кредити факторинг билан рақобатлашадиган асосий восита деб ҳисобланади. Факторинг анъанавий кредитлашдан кўра бир қатор афзалликларга эга, уларни баҳолашда биз қуйидагиларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчидан, молиялаштиришдан ташқари, компания дебиторлик қарзларини бошқариш бўйича хизматларни олади: харидорларни текшириш, уларнинг тўлов интизомини яхшилаш устида ишлаш, харидорларнинг эксперт баҳоси асосида юк ташиш лимитларини белгилаш. Кредит беришда компания фақат қарз маблағларини олади. Бу соф пул маҳсулотидир.

Иккинчидан, кредитни тўлаш учун муомаладан пул маблағларини олиб қўйиш зарур, факторингда эса молиялаштиришни қайтариш қарздорнинг тўловлари ҳисобидан амалга оширилади, бу эса етказиб берувчига айланма маблағлардан самаралироқ фойдаланиш имконини беради.

Учинчидан, факторинг чегараси кўп жиҳатдан етказиб берувчининг молиявий ҳолатига эмас, балки юк ташиш ҳажмига боғлиқ, шунинг учун у корхонанинг реал эҳтиёжларига кўпроқ мос келади. Кредит белгиланган муддатга, факторинг молиялаштириш эса ҳақиқий айланма даврига берилади. Факторингни молиялаштириш ҳажми жўнатмалар қийматининг 90% га этади, банк овердрафт эса - максимал 40%.

Тўртинчидан, корхона факторинг молиялаштиришни етказиб берилгандан сўнг деярли дарҳол (2-3 кун ичида) банкка счё-т-фактуралар ёки счё-т-фактураларни тақдим этиш орқали олиши мумкин. Бу кичик бизнес субъектларида алоҳида қизиқиш уйғотадиган битим иштирокчиларининг

вақтини тежашни англатади. Банкдан кредит олиш учун ҳужжатларни йиғиш тартиби узоқ давом этади. Бундан ташқари, факторинг жорий ҳисобварақ очишни, шунингдек, гаровни талаб қилмайди.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Kouvelis, P., & Xu, F. (2021) томонидан ёзилган мақолада таъминот занжири доирасидаги факторинг ва реверс факторингнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган. Мақолада бу молиявий воситаларнинг таъминот занжиридаги корхоналар учун қандай аҳамиятга эга эканлиги, уларнинг стратегик қарорларга қандай таъсир кўрсатиши ва молиявий оқимларини қандай бошқариши ёритилган. Факторинг ва реверс факторинг, миқдорлар дебитор қарзларини зудлик билан ликвидликка айлантиришни истаган ҳолларда, таъминловчиларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш воситаси сифатида қаралади. Мақолада таъкидланишича, бу воситалар таъминот занжиридаги барча иштирокчилар ўртасидаги молиявий хатарларни тақсимлаш, ликвидликни таъминлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини самарали бошқариш учун муҳимдир. Шунингдек, мақолада таъминот занжиридаги агентларнинг қарор қабул қилиш жараёнлари ва иқтисодий моделлар асосида факторинг ва реверс факторингнинг ижобий ва салбий томонлари ҳам кўриб чиқилган. Улар таъминот занжиридаги турли иштирокчиларнинг молиявий вазиятига ва хатарларини камайтиришга таъсир қилиши мумкин.

Ivanović, S., Baresa, S., & Sinisa, B. (2011) илмий ишларида факторинг молиявий хизматининг кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун алтернатив молиялаштириш модели сифатидаги роли таҳлил қилинган. Илмий ишларида факторингнинг моҳияти, унинг ишлаш механизми ва кичик ҳамда ўрта бизнес субъектлари учун молиявий оқимларини яхшилашдаги аҳамияти ўрганилган. Муаллифлар факторингнинг афзалликларини ва унинг компанияларнинг ликвидлик билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишдаги ўрнини баён қилганлар. Шунингдек, улар факторингни анъанавий молиялаштириш усуллари, хусусан банк кредитлари билан солиштирганлар ва унинг тезкорлик, хавфсизлик ва нарх жиҳатидан қатор афзалликларини таъкидлаганлар. Хусусан, рекурсив ва рекурсив бўлмаган факторинг, махфий ва ошқора факторинг каби турлари, ҳамда факторинг компаниялари қарздорликни қайтариш хавфини ўз зиммаларига олиб, компанияларга молиявий барқарорликни таъминлашда ёрдам беради. Шунингдек, муаллифлар кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши учун факторингнинг муҳимлигини таъкидлайдилар.

Vasilescu, L. G. (2010) илмий ишларида кичик ва ўрта корхоналар учун факторингнинг молиялаштиришдаги алтернатив усул сифатидаги аҳамияти ўрганилган. Муаллиф, бу тадбиркорлик субъектлари учун анъанавий молиялаштириш воситаларига нисбатан факторингнинг афзалликларини ва

унинг бизнесни ривожлантиришдаги муҳим ролини баён қилади. Муаллиф факторингни анъанавий молиялаштириш воситалари билан солиштиради ва унинг кичик ва ўрта корхоналар учун ликвидликни яхшилаш ва хатарларни бошқаришда қандай фойдали эканлигини тушунтиради.

Шунингдек, факторингнинг турли кўринишлари ва уларнинг кичик ва ўрта корхоналар учун қандай қўлланилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган ва факторинг орқали дебиторлик қарзларини бошқариш имкониятлари ҳақида ҳам сўз юритилган. Факторинг, айниқса, банк кредитларига кириш имконияти чекланган бўлган кичик ва ўрта корхоналар учун қулай молиявий манба эканлиги таъкидланган. Муаллиф фикрича, факторингнинг кичик ва ўрта корхоналар учун нафақат молиялаштириш манбаи, балки иқтисодиётдаги ликвидликни ошириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш воситаси сифатидаги роли таъкидланган.

Hasan, M., Le, T., & Hoque, A. (2021) илмий тадқиқотларида молиявий саводхонликнинг инклюзив молиялаштиришга қандай таъсир кўрсатиши таҳлил қилинган. Инклюзив молиялаштириш жамиятнинг барча қатламлари, жумладан, кам таъминланган ва заиф гуруҳлар учун молиявий хизматларга кенг имконият яратишга қаратилган бўлиб, бу мақолада унинг аҳамияти ва молиявий саводхонликнинг бу жараёндаги ўрни ўрганилган. Муаллифлар молиявий саводхонликни жисмоний шахслар ва хўжалик субъектларининг молиявий қарорларни тўғри қабул қилишлари учун муҳим омил сифатида таъкидлайдилар. Илмий тадқиқотларида молиявий саводхонликнинг инклюзив молиялаштиришга кўрсатадиган таъсири таҳлил қилинган. Муаллифлар молиявий саводхонликни ошириш орқали жамиятнинг барча аъзоларини, айниқса, кам таъминланган қатламларни, молиявий хизматлардан самарали фойдаланишга жалб қилиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, мамлакатимизда факторинг амалиётини таҳлил қилишда тижорат банкларининг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди.


ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизда рўйхатга олинган банклар кредит портфелидаги факторингнинг улуши жуда паст кўрсаткичларни қайд этмоқда. Ҳаттоки хусусий ва чет эл капитали иштирокидаги тижорат банкларида ҳам бу банк хизматидан аксарият ҳолларда фойдаланилмай келинмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида ушбу банк хизматининг қимматлиги, ҳужжатлар йиғмажилдининг кўплиги ва маблағ қайтмаслик рискининг юқорилиги кўрсатиб

келинмоқда. Келтирилган фикрларимиз рақамларда асосланиши учун бугунги кунда республикаимиз банк тизимида ўз ўрнига эга бўлган “Туронбанк” АТБ нинг охириги 50 чорак кўрсаткичлари таҳлил қилинди. “Туронбанк” АТБ да фақатгина миллий валютада факторингдан фойдаланиб келинмоқда.

Таҳлилимизда АТБ Туронбанкнинг 50 чораклик кўрсаткичларини таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра дастлаб “АТБ Туронбанк тизимида ҳисобот саналарида факторингнинг қолдиғини кўриб чиқамиз.

Дастлаб йил якунларига кўра АТБ Туронбанкда қайси йилда ажратилган факторинг миқдори юқорилигини аниқласак:




1-расм. АТБ Туронбанкда ажратилган факторинг суммаси, млн.сўмда [5]

Расмдан кўриниб турибдики, энг яхши кўрсаткич 2010 йил 4 чорак охирида қайд этилган. Кейинги энг яхши кўрсаткич 2012 йил ва 3-энг яхши кўрсаткич 2018 йил охирида қайд этилган.

Нега кўсаркичлар ўзгариши маълум бир маромда ўзгариши кузатилмаяти деган савол туғилиши табиий. Бунга сабаб банк кредит портфелидаги факторинг улуши бир нечта мижозга боғлиқ бўлиб қолмоқда.


Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, балким бошқа мижозлар йилнинг бошқа даврларида факторингга бўлган талаблари ортгандир. Буни кейинги расмларда кўриб чиқамиз.



2-расм. АТБ Туронбанк томонидан йилларнинг 1-чорагида ажратилган факторинг миқдори, млн.сўмда [5]


Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, йилнинг 1-чораги якуни ҳолатида мавжуд факторинг қолдиғи сезиларли даражада юқори кўрсаткичларни кўрсатмоқда. Айниқса 2014 йилда факторинг қолдиғи сезиларли ошган. Хусусан, 2010 йилнинг биринчи чорагида банк томонидан ажратилган факторинг ҳажми 4333,18 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 25335,42 млн.сўмни ташкил қилган.

Аммо кейинги йилларда мижозлар томонидан банкнинг факторинг операциясига қизиқиши пасайган. Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилнинг биринчи чорагида факторинг операциялари ҳажми 600 млн.сўмгача тушиб кетган бўлса, 2022 йилнинг биринчи чорагида эса 1810,0 млн.сўмгача кўратилган.




3-расм. АТБ Туронбанк томонидан йилларнинг 2-чорагида ажратилган факторинг микдори, млн.сўмда [5]

Юқоридаги графикда кўрганимиздек тенденция бироз пасайган. Ажратилган факторингнинг энг юқори суммаси ҳам 1-чорак якунида мавжуд факторинг қолдиқларининг энг яқори кўрсаткичидан анча паст.



4-расм. АТБ Туронбанк томонидан йилларнинг 3-чорагида ажратилган факторинг микдори, млн.сўмда [5]

Кўриб турганимиздек 3-чорақда баъзи йилларда факторинг миқдори ошган бўлсада, умумий ҳолатда 1-чорақдаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада паст.




5-расм. АТБ Туронбанк кредит портфели миқдори, млн.сўмда [5]

Юқорида кўрсатилган 4 та чорак таҳлилилига умумий баҳо берадиган бўлсак, банк миждозлари томонидан йилнинг 1-чорагида факторинг хизматларига яхшигина қизиқиш билдирилган. Бунга асосий сабаб сифатида йил бошида давлат бюджетидан маблағ олувчилар ўз маблағларини олгунларига қадар факторинг хизматидан фойдаланганликларини кўрсатишимиз мумкин.

Ажратилган факторинг қолдиқларининг банкнинг жами кредит портфелидаги улушига баҳо беришдан олдин, кредит портфелининг миқдорини ўргансак.

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики банкнинг кредит портфели ҳисобот оралиқ даври бошидан охирига қадар ўсиб борган. Шунинг таъкидлаш жоизки, маълумотлардан кўриниб турибдики охириги 3 йилда банкнинг кредит портфели кескин ўсган.


Қуйида эса банкнинг охириги 14 ойдаги кўрсаткичларини ўрганиб, ажратилган факторинг қолдиқларини жами кредит портфели қолдиғидаги улушига баҳо берамиз.



6-расм. АТБ Туронбанкда факторинг операцияларининг кредит портфелидаги улуши, йиллар кесимида фоизда [5]

Кўриниб турибдики, энг яхши кўрсаткич ҳатто 0.5% га ҳам етиб бормаган. Бунга сабаб, кредит портфели ошиши ва кредит портфелидаги факторингнинг миқдори пропорционал равишда ўзгармаган.

Тадқиқотларимизда 2010 йилдан бошлаб ҳар бир йилни чораклар кесимида таҳлил қилганмиз. Ҳисобот даври оралиғининг бошига эътибор қаратадиган бўлсак, умуман бошқача кўринишни кўришимиз мумкин.




7-расм. АТБ Туронбанкда факторинг операцияларининг кредит портфелидаги улуши, йиллар кесимида фоизда [5]

Албатта кўрсаткичлар умуман бошқа. Дастлабки 3 йилда 1% дан паст кўрсаткич умуман йўқ. Бутун ҳисобот даври оралиғининг энг юқори кўрсаткич қайд этилган ҳисобот санаси ҳам айнан шу графикдан ўрин олган.

Бунга сабаб сифатида эса, банкнинг охирги йилларда асосан тижорат кредитларига эътибор қаратганини кўрсатишимиз мумкин.


Қайд этиб ўтиш керакки, факторинг тижорат банклари учун юқори даромад келтирувчи банк хизмати ҳисобланади. Факторингдан олинадиган банк хизмат ҳақи дисконт квартал ҳисобига ҳисобланишини инобатга оладиган бўлсак, йиллик ҳисобда 4 баробарни ташкил этади. Қуйида дисконт ставкасининг ўзгариш динамикасини кўришимиз мумкин.



8-расм. АТБ Туронбанкда ажратилган факторингнинг дисконт ставкаси, фоизда [5]

Кўриниб турибдики, асосан фақатгина 2021 йилда факторинг дисконти ҳисобрақамининг юритилиши тўғри амалга оширилган. Қолган ҳисобот саналарида дисконт ставкалар аниқ кўрсаткичларни қайд этмаган. Одатда банклар ва банк филиаллари белгиланган бизнес режада белгиланган фойда кўрсаткичларини бажариш учун ҳали тўлиқ сўндирилмаган факторинг дисконтларини банк даромадига ўтказадилар ва баъзи ҳолларда сўндирилган факторинг дисконтлари тегишли даромад ҳисобрақамига ўтказилмай қолади.

Умуман олганда банкларда факторинг амалиётларидан олинган даромадлар 45217 ҳисобрақамларида юритилади. Қуйидаги графикда факторингдан олинган даромадлар динамикасини кўришимиз мумкин.




9-расм. АТБ Туронбанкда факторинг операцияларидан олган даромадлари, млн.сўмда [5]

Ушбу график кўрсаткичларига этибор қаратадиган бўлсак, энг яхши кўрсаткичлар 2020 ва 2021 йилларнинг 3 ва 4-чорақларида қайд этилган. Аҳамият бериш жоизки бунда, факторинг дисконти факторинг тўлиқ сўндирилганидан сўнг банк даромадига олинади.


Статистик маълумотларга кўра, АТБ Туронбанкда факторинг операцияларидан олган даромадлари 2019 ва 2020 йиллар давомида доим ошиб борган. Хусусан, 2019 йил 1 чорагида АТБ Туронбанкда факторинг операцияларидан олган даромади 677,15 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йил 4 чорагида бу кўрсаткич 13806,14 млн.сўмгача кўтарилган.

Аммо кейинги даврларда бу кўрсаткич пасайган. Хусусан, 2021 йилнинг биринчи чорагида АТБ Туронбанкда факторинг операцияларидан олган даромадлари 3768,83 млн.сўмгача пасайган. Кейинги даврларда ушбу банк хизматлари самарадорлиги ошиб борган. Бироқ, 2022 йилда бу хизматдан олган даромади кўрилган даврлар ичида энг паст кўрсаткичларни қайд этиб 268,77 млн.сўмни ифодалаган.



10-расм. АТБ Туронбанкда 2019-2022 йилларда факторингдан олган даромадларининг умумий даромаддаги ушули, фоизда [5]

Юқоридаги гистограммада факторинг амалиётидан олинган даромаднинг жами даромаддаги улуши кўрсатилган. Кўрсаткичлар жуда паст. Фақатгина 2020 йилнинг 3-чорагида кўрсаткич деярли 1% ни ташкил этган. Бу ерда ҳисобот даври оралиғининг охириги 14 чораги якуни бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Бугунги кунда банкда факторинг амалиётининг жами кредит портфелидаги улушининг жуда озлигини инобатга оладиган бўлсак, кўрсаткичларнинг бундай акс этиши табиий ҳолдир. Қуйидаги гистограммада ҳисобот даври оралиғи бошида факторингдан олинган даромадларнинг жами даромаддаги улуши ўзгаришини кўрамиз.



11-расм. АТБ Туронбанкда 2010-2012 йилларда факторингдан олган даромадларининг умумий даромаддаги ушули, фоизда [5]

Кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, натижалар анча яхши бўлган. Умуман олганда 2015 йилнинг 1-чораги якунидан сўнг барча ҳисобот даврларида факторинг амалиётидан олинган даромаднинг жами даромаддаги улуши 1% дан паст бўлган.

Бугунги кунда аксарият тижорат банклари томонидан факторинг амалиётларини амалга оширилмаётганига сабаб, бу факторингнинг қайтмаслик рискининг жуда юқорилигидадир. Бу табиий ҳол, риск қанчалик юқори бўлса даромадлилик ҳам шунча юқори бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Факторингдан асосий етказиб берувчиларни сақлаб қолиш воситаси сифатида фойдаланиш бевосита ишлаб чиқарувчилар билан ишлайдиган минтақавий ва федерал тармоқлар томонидан қўлланила бошланди. Чакана савдо тармоқлари учун товарлар ассортиментида улар билан ишлайдиган етказиб берувчиларнинг мавжудлиги муҳимдир. Иккинчиси ишлаб чиқариш таннархини камайтириш имкониятларини тугатганига қарамай, маҳаллий харидорлар маҳаллий брендларга содиқ

қолишади. Шу сабабли, чакана сотувчиларнинг ўзлари банкка ўзларининг этказиб берувчи-ишлаб чиқарувчиларини факторинг хизматларига олиш таклифи билан мурожаат қилишади.

Факторинг тармоқлар томонидан бошланганлиги сабабли, транзакция учун кафолатлар чакана операторларнинг ўзлари томонидан тақдим этилган. Бу ҳолда факторингдан фойдаланиш машҳур брендлар учун уларнинг ишлаб чиқарувчи этказиб берувчиларига зарар этказмасдан нархларни пасайтириш учун захираларни очишга имкон берди. Факторинг мажбуриятларини таъминлаш шакллари янада мослашувчан, бу эса харидорга қўшимча даромад келтиради. Бундан ташқари, талаб қилинадиган молиявий таъминот миқдори, қоида тариқасида, товарларни сотиб олиш бўйича шартнома умумий қийматининг 20-40 фоизини (етказиб беришнинг частотаси ва имтиёзли даврга қараб) ва факторинг комиссиясининг миқдорини ташкил қилади. харидор томонидан омил фойдасига тўланган банк кредитлари бўйича ставкалардан сезиларли даражада паст.

Шунингдек, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тижорат банкларида факторинг операциялари тенденциялари таҳлил қилинган. Таҳлилда АТБ Туронбанк статистик маълумотларидан фойдаланилган. Таҳлил натижаларига кўра, охириги йилларда факторинг операциялари ҳажмининг пасайиши ва бунга асосан факторинг операциялари фоизининг ошиши сабаб бўлмоқда. Шунингдек, охириги йилларда халқаро иқтисодиётда турли зиддиятлар натижасида тижорат банкларимиз томонидан корхоналарнинг дебиторлик қарзларини сотиб олиниши ва бунинг оқибатида кўрилаётган рискларнинг ошиб кетиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kouvelis, P., & Xu, F. (2021). A supply chain theory of factoring and reverse factoring. *Management science*, 67(10), 6071-6088.
2. Ivanovic, S., Baresa, S., & Sinisa, B. (2011). Factoring: Alternative model of financing. *UTMS Journal of Economics*, 2(2), 189-206.
3. Vasilescu, L. G. (2010). Factoring–financing alternative for SMEs. In *5th Annual MIDES International Conference, Kavala* (pp. 13-23).
4. Hasan, M., Le, T., & Hoque, A. (2021). How does financial literacy impact on inclusive finance? *Financial innovation*, 7(1), 40.
5. <https://turonbank.uz>